

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FIL.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

БОБОЖОНОВ ҒУЛОМ ОЗОДОВИЧ

«ҲАЙРАТУЛ АБРОР» БАЛОҒАТ ИЛМИ КОНТЕКСТИДА

10.00.07 – Адабиёт назарияси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Бобожонов Гулом Озодович «Хайратул аброр» балоғат илми контекстида»	5
Bobojonov Gulom Ozodovich «Khayratul abror» in the context of balagah science	25
Бобожонов Гулом Озодович «Хайратул аброр» в контексте илмул балага	45
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	49

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FIL.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

БОБОЖОНОВ ҒУЛОМ ОЗОДОВИЧ

«ҲАЙРАТУЛ АБРОР» БАЛОҒАТ ИЛМИ КОНТЕКСТИДА

10.00.07 – Адабиёт назарияси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Fil1003 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) «Ziyo Net» ахборот-таълим порталида www.ziyounet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Жўракулов Узоқ Ҳайдарович
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар: Мелиев Сувон
филология фанлари доктори

Қуронов Дилмурод Ҳайдаралиевич
филология фанлари доктори, профессор


Етакчи илмий муассаса: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети


Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «4» март соат 12даги йиғилишида ўтказилади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail:uzlit @uzsci.net).


Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин.


Манзил: 700170, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871)262-74-58.

Диссертация автореферати 2022 йил «16» февралда тарқатилди.
(2022 йил «16» февралдаги 2 рақамли реестр баённомаси).


Н.Ф. Каримов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., академик


Р. Баракаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н.


И.Н. Ҳаққулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол. ф. д., проф.



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси).

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётининг нодир намуналари саналган бадий асарларнинг поэтик қонуниятларини ўрганиш ҳамisha муҳим ва долзарб масала ҳисобланади. Айниқса, Шарқ-ислом адабиётининг юқори даражага кўтарилишида асосий аҳамият касб этган кенг қамровлилик, аниқ назарий меъёрларга таяниш, мустаҳкам ва ривожланиб борувчи универсал хусусиятга эга бўлиш кабилар асосий назарий мезон сифатида қаралади. Бундай мустаҳкам назарий қонуниятларга таяниб яратилган мумтоз адабиёт матнларини бадий идроклаш ҳамда илмий тадқиқ этишда айна қонуниятлар асосида ёндашиш зарурати юзага келади.

Дунё адабиётшунослиги мазкур поэтик масалалар тадқиқида бир қанча йўналишларни белгилаб олгани билан эътиборлидир. Шарқ мумтоз адабиётида матн қонуниятларини ўзида мужассам этган асосий омил сифатида балоғат илми катта аҳамиятга эга бўлгани кузатилади. Ушбу илм асосан умумий тилшунослик, тил тарихи, тил назарияси, адабиёт тарихи, фольклоршунослик, манбашунослик ва матншунослик йўналишларида ўрганилган. Балоғат илми асосларини жаҳон адабиётининг салмоқли бир қисми бўлган ўзбек мумтоз адабиётига татбиқ қилиш, муайян давр ёки ижодкор асарини мумтоз тарихий поэтика асосида тадқиқ этиш масаласи мустақиллик давридаги улкан имкониятлардан бири бўлиб, мавзунинг янгилиги, зарурати ва долзарблиги шундай илмий, ижтимоий, тарихий омиллар билан белгиланади.

Ўзбек адабиётшунослигида балоғат илмини ўқиш ва ўрганиш, бадий асарларга айна қонуниятларини татбиқ этиш XX асрнинг 20-йилларигача изчил давом этиб келган бўлса-да, бу жараёнга совет даврида бир қадар чек қўйилгани кузатилади. Буни асосан балоғат илмининг, аввало, Қуръони карим ва ҳадислар матни маъноларини ўрганиш асносида юзага келгани, унинг воситасида кейинчалик Шарқ-ислом олами ижодкорлари бадий ижодда мазкур икки муқаддас манба маъноларини ўз асарларида бадий талқин этиш йўлидан боргани ўша давр манфаатларига уйғун бўлмагани билан изоҳлаш мумкин. Шу боисдан, бадий асарларни тадқиқ этишда балоғат илми нуқтаи назаридан ёндашиш ўша даврларда умумконцептуал тарзда қаралмади. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини ўрганишда асосий омил ҳисобланган балоғат илми ва унинг қонуниятлари бугунгача адабиёт назарияси таълимидан бир қадар ташқарида қолиб келмоқда. Бунинг оқибатида мумтоз асарлар моҳиятини тўғри англашда ғализликлар, матнни муаллиф услуби, мақсади ва фикрига том уйғун бўлмаган ҳолда талқин ва таҳлил қилиш, асл маънога тўғри келмайдиган насрий баёнлар бериш билан ўқувчини мумтоз адабиётимиз намуналаридан узоқлаштириш ҳолатларига йўл қўйилиши мумкин. Мумтоз адабиётнинг энг йирик намунаси саналган Алишер Навоий асарларини ўрганишни балоғат илми асосида олиб борилиши янада кенгроқ имкониятлар яратиши шубҳасиз. Бу масалани ижобий ҳал қилиш мақсадида балоғат илмини яна ота-боболаримиз

ўргангани каби адабиёт назариясининг таянчи сифатидаги асл мавқеига қайтариш бугунги куннинг долзарб ва муҳим масалаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995 сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқи ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида», 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сон «Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сон «Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида»ги фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек адабиётшунослигида балоғат қоидалари ҳақидаги қарашлар XX аср бошларидаги айрим зиёлилар асарларида оз бўлса-да учрайди. Хусусан, Фитратнинг адабиётшуносликка оид баъзи тадқиқотлари бунга мисол бўла олади. Балоғат ва назарий адабиётшунослик аспектидаги дастлабки илмий тадқиқот Абдурахмон Саъдийнинг «Навоий ижодиёти ўзбек классик адабиётининг юксак босқичи сифатида» мавзусидаги докторлик диссертацияси бўлганини алоҳида қайд этиш зарур. А.Саъдий илк бор мазкур илмга оид фундаментал манбаларни, жумладан, Абдулқоҳир Журжонийнинг «Асрорул балоға» асарини адабиётшуносликнинг назарий қонуниятларини белгилашда асос сифатида кўра олди. Аммо совет даврида бундай илмий ёндашувни изчил давом эттиришнинг тўлақонли имкони мавжуд эмас эди. Шундай бўлса-да, бу илмга оид назарий асослар тарқоқ ҳолда турли илмий адабиётларда сақланиб келди.

Бугунгача Алишер Навоий асарлари балоғат илми тамойиллари асосида комплекс тадқиқ этилмаган. Фақат бадиъ таркибига кирувчи айрим шеърини санъатлар, шунингдек, Навоий асарларининг тил хусусиятлари илмий-таҳлилий ўрганилган. С.Хидирназаров ва М.Муҳиддинов илмий изланишларини «Ҳайратул аброр» достони тадқиқига оид салмоқли

Тадқиқотнинг вазифалари:

«Ҳайратул аброр» матни тўлалигича балоғат илми қоидаларига уйғун ҳолда яратилгани ҳамда уни поэтик идроклашда ҳам айни қонуниятларга таяниш заруратига эътибор қаратиш;

достоннинг яратилиши учун асос бўлган воқелик сидқ ҳодисасига таянганини илмий тадқиқ этиш;

достондаги сидқ ҳодисаси негизида доимо ҳақиқат ва мажоз тамойиллари туришини далиллаш;

муаллифнинг воқеа, замон-макон тасвиридаги ўзига хос етуқлигини кашф этишда балоғатнинг универсал қоидалари асосий восита эканини илмий ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Алишер Навоий «Хамса»сининг композицион қолипловчи достони – «Ҳайратул аброр» олинди.

Тадқиқотнинг предметини «Ҳайратул аброр» поэтикасини балоғат илмига оид универсал қоидалар воситасида тадқиқ этиш ташкил қилади. Бунда, асосан, балоғатнинг маоний ва баён бўлимига мансуб қоидалар универсал қоидалар сифатида ўрганилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишининг ёзилишида систем-структур, таснифий ҳамда матний ва маъновий таҳқиқ усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Алишер Навоийнинг балоғат илмига оид илмий манбалардан етарлича хабардор бўлгани, ўз даврининг бир қатор олимларидан соҳага оид таълим олгани, мазкур илмга доир қонуният ва қоидаларини ўз адабий асарларида акс эттиришдек ижодий фаолияти аниқланган;

«Ҳайратул аброр» достони асосида турувчи хабар ва унинг етказувчиси орасидаги муносабат, сидқ концепцияси, уни таъмин этган воқелик ва омиллар аниқланиб, уларнинг достонда муаллиф назарда тутган маънони тўлақонли ҳамда ўзига хос тарзда етказишдаги аҳамияти очиқ берилган;

асарда муаллиф назарда тутган балоғат илмининг баён бўлимига мансуб умумназарий қонуният ҳисобланган ҳақиқат ва мажоз муаммосининг асар балоғатини таъминлашдаги эътибори исботланган;

муаллифнинг поэтик, этик ва эстетик тафаккури миқёсий потенциалини белгилашда балоғат илмининг сидқ, мутобиқлик, ийжоз, итноб каби универсал қоидалари назарий асос вазифасини ўтагани асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

тадқиқотда ўзбек адабиётининг мумтоз даврида жаҳоншумул бадиий асарлар яратиш учун балоғат илми назарий асос вазифасини ўтаганига эътибор қаратилган;

«Ҳайратул аброр» достонининг яратилишида балоғат илмининг универсал қоидалари қай даражада аҳамият касб этиши масаласи изчил тадқиқ этилган;

бадиий матнни тадқиқ этишда асар учун муаллиф қандай воқеликни асос қилиб олгани ва уни қай даражада поэтик талқин қилгани марказий ўринда туриши ўрганилган;

воқеа, замон-макон тасвирига ўзига хос, холис ва илмий ёндашишда балоғат қоидалари муаллифга энг мувофиқ ва энг тўғри илмий асосга таяниш имконини бериши таҳлил қилинган;

балоғат илмидаги универсал қоидалар бадиий асарнинг инсон имкони доирасидаги энг етук матнга айлантириш учун асос бўлиши илмий тадқиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация республика-миз ҳамда хорижий адабиётшунос, танқидчиларнинг фикрларига мурожаат этилгани, муаммонинг аниқлиги, тадқиқ усулларининг илмий мақсадга йўналтирилгани, илмий-назарий манбалардан ўринли фойдаланилгани, структурал таҳлилларга таянилгани, илмий изланиш ҳамда хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилгани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти адабиёт назарияси, мумтоз адабиёт тарихи, жаҳон адабиёти тарихи, навоийшунослик, жанрлар типологиясига оид тадқиқотларда, композиция, сюжет, бадиий тасвир сингари соф бадиий унсурлар қоидаларини ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Диссертацияда келтирилган илмий таҳлиллар, назарий қоидалар, объектив фикр-мулоҳазалар, хулосалар матн тадқиқи борасидаги илмий ишларга манба вазифасини ўтай олади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гуманитар йўналишдаги олий ўқув юртлари, академик лицейлар ҳамда ихтисослаштирилган мактаблар учун «Адабиёт назарияси», «Балоғат илми», «Навоийшунослик» каби фанлар ва ўқув курслари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ўқув-услубий мажмуалар тайёрлашда, ихтисослик фанлари назарий базасини шакллантиришда амалий восита бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация юзасидан олинган илмий натижалар қуйидаги ишларда жорийланган:

адабиётшуносликнинг тарихий анъаналарини балоғат қоидалари асосида тадқиқ этиш; бадиий асар асосида турувчи ҳақиқат ва мажоз концепцияси ва уни таъмин этган омилларни тизимли таҳлил қилиш; мумтоз адабий асарларни ўрганишда ўзига хос анъанавий ёндашув тарзи кабилардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф-005 рақамли «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш» (2017–2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 7 июлдаги 17/01-142 рақамли маълумотномаси). Натижада фундаментал лойиҳа адабиёт назариясига оид асрлар давомида шаклланиб келган анъанавий илмий қарашлар билан бойитилган;

мумтоз поэтикада муҳим ўрин тутувчи универсал қонуниятларнинг бадиий асар матнида акс этиши; воқеликка мувофиқлик омилининг поэтик аҳамияти; ҳақиқат ва мажоз масалаларининг бадиий матндаги эътибори ва вазифаси, адабиёт назариясини ўрганишда миллий ва мумтоз адабий меросимиз, хусусан, Алишер Навоий ижодини ўрганишда фойдаланиш каби

илмий хулосалардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Адабий танқид ва адабиётшунослик кенгаши ҳисобот йиғилишларида, тўғараклар фаолиятларида, адабий кечаларда, ёш ижодкорлар билан учрашувларда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 20 майдаги 09-32/12-сон маълумотномаси). Натижада мазкур иш мумтоз ва замонавий бадий асарлар таҳлили ва таҳқиқи учун амалий аҳамият касб этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та халқаро, 4 та республика илмий-назарий ва илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан жами 18 та илмий иш эълон қилинган бўлиб, шундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола эълон қилинган. Шулардан 5 таси республика, 1 та чет эл журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан таркиб топган бўлиб, ҳажми 160 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий қисмлари бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Балоғат илми ўзбек мумтоз поэтикасининг илмий-назарий асоси сифатида**» деб номланган биринчи боби уч фаслдан иборат. Биринчи фаслда «**Балоғат илми: тарихи, вакиллари ва ўзбек мумтоз поэтикасига муносабати**» масаласи ўрганилган.

Инсониятнинг билиш ва англашга бўлган эҳтиёжи илк одам яратилганидан бери мунтазам давом этиб келаётган ҳодисадир. У даставвал самовий китоблардаги маъно-мақсадни тўғри ва тўлиқ англаб етишда кўринган бўлса, кейинчалик инсон ижодининг маҳсули бўлган турли матнларни тушунишга қаратилди. Илк босқичларида бирмунча тарқоқ тарзда, муайян мезонларга эга бўлмаган умумий шаклда кечган мазкур жараён кейинчалик аниқ мезон ва қоидалари ишлаб чиқилгач, мустақил илм ҳолига келди.

Балоғат ҳали мустақил илм шаклига келишидан олдин унинг қонуниятлари халқ оғзаки ижоди намуналарида, шунингдек, ижодкор ва нотиклар нутқида мавжуд эди. Кейинчалик «балоғат истилоҳи сифатида қабул қилинган ташбех, мажоз, истиора, тақдим, таъхир каби тушунчалар ҳар бир тилда доим мавжуд бўлган ва ишлатилиб келинган»⁴.

⁴ Kılıç, Hulûsî. Belâgat, DîA. İstanbul, TDV. Yayını, 1992, V, 380-381.

Исломнинг илк даврида Қуръони карим нозил бўлгач, ундаги маъноларни тўғри ва тўлиқроқ тушунишга бўлган уринишлар негизида яратилган асарларда Қуръони каримнинг эъроби, маънолари, мураккаб жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди. Уларда балоғатнинг мустақил илм сифатида шаклланиши учун зарур бўлган тадрижий ёндашувни кузатиш мумкин. Хусусан, Абу Усмон Жоҳиз (в. 255 х.) (балоғат илмининг таянч бўлимлари бўлган) маоний ва баён илмларини матн рецепцияси учун асос экани ғоясини илгари сурди. «Баён ва таъйин» ҳамда «Назм ул Қуръон» асарларида матн тадқиқига оид баён, фасоҳат, балоғат каби бир қанча тушунчаларни ифода этди.

Бу илмнинг мустақил соҳа сифатида шаклланиш даври XII – XIV асрларга тўғри келади. Бу даврда яшаб ижод этган олимлардан бири Саккокий номи билан машҳур бўлган Абу Якуб Юсуф ибн Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Али Сирожиддин Хоразмий (1167 – 1229)дир. У матн рецепцияси борасида ўзигача яратилган асарларни ўрганиб чиқаркан, уларнинг таснифи, тадқиқи, таҳлили ва талқини, айна пайтда шахсий идроки, тафаккури натижаси ўлароқ «Мифтоҳул улум» номли мустақил бир асар яратди. Муаллиф шу асари билан соҳадаги илмий изланишларни янги босқичга олиб чиқди. «Мифтоҳул улум»да сарф, иштиқоқ, ваъз, наҳв, маоний, баён, бадиъ, ҳад, истидлол, аруз, қофия, иъжозул Қуръон – жами ўн икки илмга оид илмий-назарий маълумотлар жамланган⁵. Саккокийга кўра, матнга оид барча маъноларни тўла қамраб олиш учун юқорида санаб ўтилган илмларга таяниш зарур бўлади.

«Мифтоҳ» тадқиқида яратилган асарларнинг энг эътиборлиси Хатиб Қазвиний номи билан машҳур бўлган Жалолиддин Муҳаммад ибн Абдурахмон (в. 1338)нинг «Талхисул «Мифтоҳ» асаридир. Китоб мукаддимасида муаллиф балоғат ва унга оид илмларни энг муҳим, матн сирларини очувчи, тилнинг дақиқликлари ва имкониятларини кўрсатиб берувчи, иъжоз тариқини кашф этувчи илм сифатида баҳолайди⁶. Шу тарзда балоғат илмий асослари тўла шаклланган, тушунча ва қоидалари аниқ белгилаб олинган, ўзига хос специфик тамойилларига кўра очиқ-ойдин фарқланиб турувчи мустақил илм ҳолига келди.

Туркий тилда балоғатга оид илк асар Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида Самарқандда яратилди. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозийнинг мазкур асари «Фунунул балоға» деб номланиб, ўз ичига олган илмий масалалар ҳамда уларнинг таснифланиши, ёритилиши, муаллифнинг ҳар бир масалага илмий-ижодий ёндашиши жиҳатидан Саккокийнинг «Мифтоҳул улум»ига бир қадар яқин туради. Шеърый жанрлар борасида ўзига хос тасниф тузгани, асар композициясига оид илмий қоидаларни тадқиқ этиши, жанрларнинг характер-хусусиятлари ҳақидаги мустақил илмий қарашлари муаллифнинг балоғат илмига илк бор олиб кирган янгиликлари

Аبي يعقوب يوسف بن أبي بكر بن محمد السكاكي. مفتاح العلوم. القاهرة. المكتبة توفيقية. 5
القرظيني الخطيب جلال الدين عبد الرحمن بن محمد. تلخيص المفتاح. بيروت. العصرية المكتبة. 2014م. ص. 376

ҳисобланади⁷. Аммо мазкур асарда балоғатнинг асосий бўлимлари саналган маоний ва баён қоидалари ҳақидаги баҳслар учрамайди.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли «**Балоғат илмининг умумназарий таснифи ва спецификаси**» деб номланади.

Балоғат назарийтчилари бу илмга оид тушунча ва қоидаларни тасниф этишда матннинг барча хусусиятларини қамраб олишга, шу билан бирга, барча матнларга алоқадор универсал қоидалар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратишган. Бунда тушунчалар, қоидалар ҳамда қисм ва бўлимлар тадрижий кетма-кетликда, бири иккинчиси учун асос бўлувчи, тўлдирувчи ва тақозо қилувчи специфик шаклда ишлаб чиқилгани кузатилади. Балоғат илмида тадқиқ этиладиган барча қоидалар таснифида, бизнингча, қуйидаги уч назарий йўналиш асос сифатида олинган: 1. Матннинг умумлингвистик компонентларига алоқадор универсал қоидалар; 2. Матннинг семантик-структур ҳамда муқоясавий сферасидаги универсал қоидалар; 3. Эстетик-эмоционал характердаги хусусий қоидалар.

Балоғат назарийтчилари умумлингвистик компонентларини тадқиқ этишда ҳар қандай матннинг гаплардан, гапларнинг сўзлардан, сўзларнинг ҳарфлардан тузилишини асос қилиб олишган. Бу қисмга мансуб қоидалар матннинг энг кичик бирлиги ҳисобланган товушларни тадқиқ этишдан бошланади. Балоғат илмининг таянч-пойдевори саналган фасоҳат қисми биринчи навбатда сўз таркиби ва гапда жамланган сўзларнинг ҳар қандай нуқсонлардан холи бўлишини тақозо этади. Сўз ва гап аввало формал-структур жиҳатдан ҳар қандай нуқсонлардан холи бўлсагина матн балоғати учун хизмат қила оладиган яроқли материал сифатида эътироф этилади.

Олимлар балоғат ва гапнинг балоғати ҳақида «улкан маънони очиқ-ойдин иборалар билан саҳиҳ ва фасиҳ ҳолда етказиб бериш»⁸, «сўзнинг фасиҳ бўлиши билан бирга макон ва замон (муқтазои ҳол)га уйғун бўлиши»⁹, «фасоҳатли каломнинг тақозо этилган вазиятга мослиги»¹⁰ каби таърифлар келтиришган. Бизнингча, бу борада олимларнинг «балоғат қоидаларни ўзида жамлаган илм, усул ва омилларни қамраган фандир»¹¹ тарзидаги илмий қарашига таяниш тўғри бўлади. Балоғатнинг аксарият олимлар эътироф этган ҳамда ушбу илмнинг моҳиятини қамраб олувчи таърифи қуйидагича: «Балоғат – фасиҳ гапнинг муқтазои ҳолга мутобиқ бўлишидир»¹².

Мутакаллим мухотобнинг ҳолатидан келиб чиқиб, унга мақсадни қандай тарзда ифода этиш заруратини белгилаб олади. Мутакаллимнинг нутқи учун мухотобнинг ҳолати асос бўлади. Мақсадни ифода этишда макон-замон, вазият ва бошқа шароитларни инобатга олиш, фикрни етказишда уни мухотоб зехнига мувофиқлаштириш, бирйўла бир неча маъноларга ишора

⁷ Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. («Балоғат илмлари») // Масъул муҳаррир Б.Ҳасанов. / – Т., Ҳазина, 1996. – Б.31.

علي الجارم، مصطفى أمين. البلاغة الواضحة. كراشي. مكتبة البشري. ٢٠١٠ م. ص. ٨.

⁹ Bulut, Ali. Belâgat terimleri sözlüğü. İstanbul, 2015. – S.42.

¹⁰ Рустамий С. Ўрта асрлар ислом балоғат илмида тилшуносликка оид қарашлар. Филол. фан. д-ри (Doctor of science) ...дисс. Қўлғезма ҳуқуқида. УДК: 297.81 Р-94. Т., 2018. – Б.25.

¹¹ القزويني الخطيب جلال الدين عبد الرحمن بن محمد. الايضاح في علوم البلاغة. بيروت. دار الكتب العلمية. ٢٠٠٣ م. ص. ٤.

¹² القزويني الخطيب جلال الدين عبد الرحمن بن محمد. الايضاح في علوم البلاغة. بيروت. دار الكتب العلمية. ٢٠٠٣ م. ص. ٤.

қилиш, бир неча маъноларга ишора қилиш орқали ягона мақсадни ифодалаш кабилар мухотоб ҳолати тақозо қиладиган заруратлардандир. Шу нуқтаи назардан мухотоб ҳоли мақом, мутакаллимнинг ўз нутқини ана шу ҳолга уйғун келтириш зарурати бўлган муқтазо эса, муносиб эътибор ҳисобланади.

Баён бўлимининг ҳақиқат ва мажоз баҳсидаги ташбеҳ, истиора, киноя, мажоз каби қоидалари мутакаллимнинг айна мақсадига хизмат қилишга қаратилган. Фасоҳат қоидаларига тўла асосланган, сўз, гап ва гапнинг қурилишига оид барча тил қоидаларига риоя қилинган матнда мутакаллим назарда тутган маъно ва мақсадни мухотобга етказиб бериш баён илми қоидалари орқали амалга оширилади.

Бадиъ қоидалари айрим матнларнинг ҳис қилиниши мумкин бўлган кўшимча жиҳатлари сифатида қаралади. Айна сабабга кўра, Жоҳиз, Журжоний ва Замахшарий асарларида бадиъ қоидаларига алоҳида ўрин берилмагани ёки ундаги мезонлар мувофиқ таснифланмагани кузатилади. Шу билан бирга, бу қисмга мансуб қоидалар кетма-кетлик, бири бошқасини тақозо қилиш, бир-бирини тўлдириш, тадрижийлик каби ички тугал қонуниятларга эга эмаслиги характерланади.

Биринчи бобнинг учинчи фасли «Алишер Навоий ижодида балоғат илмининг ўрни» деб номланиб, унда XV асрда мазкур илмга бўлган муносабат, унинг анъанавий таълим тизимидаги эътиборига асосий аҳамият қаратилган. Мовароуннаҳр ва Хуросондаги балоғат илми мактаби олимларининг силсилавий тарзда Навоийга келиб туташини кузатилган. Муаллифнинг юксак ва жаҳоншумул ижод намуналари учун балоғат қонуниятлари назарий асос вазифасини бажаргани таҳлил қилинган.

Навоий мансуб XV аср муҳитида «Кашшоф», «Мифтоҳул улум», «Талхисул «Мифтоҳ» ва «Изоҳ» каби асарлар анча машҳур бўлган. Шунингдек, балоғат назариясини илмий тадқиқ этиш ҳамда ўз даври ўқувчисига муносиб равишда етказиш мақсадида юқоридаги китобларга ёзилган шарҳлар ҳам вужудга келди. Жумладан, аллома Саъдуддин Тафтазонийнинг Қазвиний «Талхис»ига ёзган шарҳлари балоғат назариясидаги қоидаларни ўзига яратилган асарлар асосида янада аниқроқ тушунтириш имконини берди. Бевосита Тафтазоний билан замондош ва маслакдош бўлган Саййид Шариф Журжоний (1339–1413) узоқ йиллар Самарқандда яшаб, бир қанча илмлар қаторида балоғат илмига оид рисола яратган ҳамда шу илмдан сабоқ берган. Навоийнинг самарқандлик устози Хожа Жалолиддин Фазлуллоҳ Абулайс Самарқандий (1386–1469) Шариф Журжонийнинг шогирди бўлгани, унга бир неча илмлардан дарс бериш учун ижозатнома ёзиб берганини Навоий алоҳида таъкидлаб ўтган¹³. Фазлуллоҳ Самарқандий Навоийнинг Самарқанд таҳсили давомида ва умуман ҳаёти-ижодида катта таъсир кўрсатган устозларидан биридир. Бизнингча, Навоийнинг балоғат илмини пухта ўзлаштиришдаги устоз-шогирдлик силсиласи Фазлуллоҳ Абулайс Самарқандий воситасида Саййид Шариф Журжонийга бориб тақалади.

¹³ Навоий Алишер. Мажолис ун-нафоис. МАТ. 20 жилдлик. 13-жилд. – Т., Фан, 1997.

Навоийшунос олим В.Абдуллаевнинг маълумотларига таяниб, айтиш мумкинки, Навоийнинг балоғат илми назариясини пухта эгаллаши айна шу даврга тўғри келади¹⁴. Унинг ўша даврдаги айрим адабий-эстетик қарашлари, бадий матннинг поэтик хусусиятларини аниқлаш ва белгилашдаги илмий ёндашуви шундай хулосага келиш учун асос беради.

Навоийнинг балоғат илмига муносабатини ойдинлаштирувчи яна бир жиҳат бу – ҳазрат асарларида балоғат илмига оид бир қатор илмий истилоҳларнинг ишлатилганидир. Алишер Навоий асарларида учрайдиган «Талхис», «Мифтоҳ», «итноб», «иъжоз», «маоний», «баён», «фасоҳат», «мажоз» каби ўнлаб истилоҳларга луғатларда асосан луғавий маъно бериш билан чекланилганига гувоҳ бўламиз. Бундай ёндашув муаллиф нуқтаи назарини тушуниш учун баъзан етарли бўлмаслиги мумкин. Бизнингча, бу каби ўринларда Навоий асарларида ишлатилган ҳар бир сўз ўзига хос маъно кўламига эга ҳолда муаллиф умумназарий концепциясининг муайян жиҳатини ифода этишга хизмат қилишини назарда тутиш зарур. Қуйидаги байт фикримизга ёрқин мисол бўла олади:

Банд этибтур жадал аҳли ишин ишкол, андоқ,
Ким не мифтоҳ анга суд қилур, не талхис¹⁵.

Байтдаги «мифтоҳ» луғатда «калит, очқич»; «талхис» эса «саралаш, хулосалаш» тарзида изоҳланган¹⁶. «Мифтоҳ» сўзига «Хоразмлик олим Юсуф ас-Саккокийнинг араб тили қоидаларини ўз ичига жамлаган «Мифтоҳул улум» китоби¹⁷» шаклида маъно берилиши ўқувчини ҳақиқатга бир қадар яқинлаштиради. Бир қатор мақолаларида Навоий ижодини балоғат илми аспектида ўрганган адабиётшунос А.Қозихўжаев мазкур байт рецепциясида айна шундай ёндашув объектив аҳамият касб этишини таъкидлайди¹⁸.

Навоий асарларида балоғат илми истилоҳлари, қоидалари, уларга муаллифнинг ижодий муносабати кўп учрайди. Жаҳон тамаддунида ўзига хос ҳодиса бўлган «Хамса» асарининг яратилиши ҳамда ҳалигача инсоният поэтик тафаккурининг юксак чўққиси бўлиб келаётгани муаллифнинг маълум маънода иъжоз мақомига бўлган улкан ҳайратидан гувоҳлик беради. Бу эса мазкур асарни балоғат қоидалари асосида ўрганиш заруратини юзага келтиради. Айниқса, хамса жанрининг семантик-структурал асоси, беш дostonни уйғунлаштирувчи композицион қолип, поэтик харита бўлган «Ҳайратул аброр» бевосита балоғат илми контекстида теран ва янги қирраларини намоён этади.

Иккинчи боб «Ҳайратул аброр»да балоғат илми назарий тамойилларининг ўрни ҳамда вазифаси» деб номланган. Унинг биринчи фаслида **«Ҳайратул аброр» умумструктурасида балоғат илми тамойиллари** тадқиқ этилган.

¹⁴ Абдуллаев В. Навоий Самарқандда. – Т., Билим жамияти, 1967. – Б. 11.

¹⁵ Алишер Навоий. МАТ. Биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя. – Т., Фан, 1987. – Б. 249.

¹⁶ Навоий асарлари луғати. Алишер Навоий асарларининг ўн беш томлигига илова. – Т., Адабиёт ва санъат, 1972. – Б. 394.

¹⁷ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. Иккинчи том. – Т., Фан, 1983. – Б. 310-311.

¹⁸ Қозихўжаев А. «Жисм уйи чунким эрур фоний...»/ Қўлёзма мақола.

Матнда маънонинг мукамал ифодаланиши, мутакаллим концепциясининг тўла-тўқис акс этиши ҳамда матн умумструктурасидаги ҳар бир элементнинг ана шу вазифани аъло даражада бажариш учун уйғунлашган ҳолда комплекс ҳаракати матндаги тизимли дастурийликни юзага келтиради. Бунинг учун матннинг ҳар бир компоненти «фасиҳ гап – муқтазои ҳол – мутобиқлик» узвийлиги асосига қурилган бўлиши зарур.

Мутакаллимнинг матндаги умумконцепцияси матннинг ҳар бир компоненти – боб ва бўлимлар, байтлар ва мисраларда ўз аксини топади. Ҳар бир мисра алоҳида шаклда муайян жузбый маънолар ифодасига хизмат қилса-да, бирбутун ва яхлит шаклда матн умумкомпозициясини тўла ифода этувчи бирликлар саналади. Бу ўринда матннинг таянчи ҳисобланган биринчи мисранинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаш лозим. Ишда қуйидаги илк мисра ва бош байт таҳлилга тортилган:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Риштага чекти неча дурри ятийм¹⁹.

«Ҳайратул аброр» матнидаги биринчи мисра – ўз навбатида бош байт, байтларнинг маъновий гуруҳланиши, илк боб ҳамда унга мувофиқ тарзда келувчи кейинги боблар, шунингдек, муаллиф умумконцепциясини ифода этувчи ёки шунга ишора қилувчи, асар композицияси учун қамровдор асос вазифасини бажарувчи характерга эга бўлиши алоҳида эътиборга молик.

Басмала Навоий «Хамса»сида илк байт, илк боб, илк дoston ҳамда бутун «Хамса» учун умумкомпозицион характер касб этиши билан ажралиб туради. Бунда муаллифнинг назарий ёндашуви балоғат илмидаги гапнинг ифода усулларида бири – ийжозга асослангани кузатилади. Балоғат илмига кўра, ийжоз мутакаллим умумконцепциясидаги улкан ва қамровли маъноларни гапда имкон қадар кам сўзлар билан ихчам, сиқик ва қисқа шаклда тўла ифода этишни кўзда тутди²⁰. Шу нуқтаи назардан басмала жумласи Навоий «Хамса»сида қаламга олинган миқёсий қамровдаги мавзулар – «илк яратилиш» (офариниш)дан тортиб, дунё ҳаёти (туғилиш, яшаш ва ўлим), шунингдек, ундан кейинги ҳодисалар (қайта тирилиш, маҳшар, мезон, пулсирот, жаннат, дўзах қабилар)ни ҳам мукамал тарзда ўзида мужассам этгани билан эътиборлидир. Муаллиф асарнинг илк мисраси – басмалага биринчи навбатда ана шундай тизим сифатида қарагани кузатилади. Улкан воқеликни биргина жумлада акс эттириш инсоният имконидан ташқари бўлган ийжоз мақомидаги ҳодисадир. Ушбу универсал жумла матнни бошлаш, энг юқори этик ва эстетик чўққини намоиш этиш, мавжуд анъаналарга эргашиш билан бирга, асардаги умумконцепцияга ишора бериш, аниқроғи, уни ўзида қамровли ҳолда акс эттириш ҳамда асарни шу асосга қуриш имконини ҳам беради.

Дostonдаги илк мисра ийжоз ўлароқ мукамал тугаллик касб этади. Бош байт эса, бевосита мазкур ийжозга муаллиф нуқтаи назарини ифода этган итноб тарзида намоён бўлади. Биринчи боб эса, ана шу икки мисрасида

عليشيرنوايي، خمسة، حيرت الابرار، علمي تنقيدي متن، تاشكينت، فن، ۱۹۷۰، ب، ۳، ۱۹.
القزويني الخطيب جلال الدين عبد الرحمن بن محمد، تلخيص المفتاح، بيروت، العصرية المكتبة، ۲۰۱۴م، ص، ۱۱۹، ۲۰

ийжозни шарҳлаш-кенгайтириш йўсинидаги итнобдир. Бизнингча, илк бобнинг ўзи композицион тугалликка эга бўлиб, «Ҳайратул аброр» ҳамда «Хамса» учун ийжоз вазифасини бажара олади.

Бобнинг иккинчи фаслида «**Асарда тарихий воқеликни универсал акс эттириш тамойили: ҳақиқат ва мажоз масаласи**» тадқиқ этилган.

Бу фаслда эътибор қаратиладиган бош масала «Ҳайратул аброр» достони учун материал вазифасини ўтаган воқеликларнинг асл манбаи хусусида. Муаллиф асар материали ўлароқ таянган воқеликлар таснифланган. Уларнинг поэтик сатҳга кўчишидаги балоғат илмига оид назарий қоидалар ўрганилган.

Бизнингча, «Ҳайратул аброр» баъзи тадқиқотларда таъкидланганидек романтизм эмас, балки олий реализм намунаси экани нуқтаи назаридан ўрганилиши соф илмий ва объектив ёндашув ҳисобланади. Достондаги асосий мавзулар ва воқеалар, персонажлар ва образлар, мотив ва деталлар шундай хулоса чиқаришга етарлича асос беради. Балоғат илмида гапга қўйиладиган энг биринчи, энг муҳим ва асосий талаб бу – гапнинг воқелик ва хабар ўртасидаги мувофиқликни қай даражада ўзида акс эттириши эканига алоҳида эътибор қаратилади²¹.

Матнни тақдим этаётган шахснинг ўзи етказаетган хабарига муносабати, хабарнинг воқеликка қанчалик мувофиқлиги мақсадни тўла ифода этиш учун мустаҳкам замин ҳозирлайди. Бу қоида балоғат олимларининг барчаси эътироф этган муштарак масалалардан саналади. Гап воситасида тўғри маълумотни етказиш – сидқ – дейилганда икки хусусият назарда тутилади:

I. Етказилаётган хабарнинг воқеликка мувофиқ бўлиши.

II. Етказилаётган хабарнинг хабар етказувчининг қатъий ишончига мувофиқ бўлиши.

Достондаги ҳар бир фикр албатта қайсидир оятнинг айни ўзига ёки унинг маъно кўламидаги бирон жиҳатга асосланади. Оятларда келган маъноларни изоҳлашга хизмат қилувчи ҳадислар ҳамда ақидавий-фиқҳий ҳукмлар, руҳий тарбия устозларининг кўрсатма ва тавсиялари ҳам баён қилинган. Улар асар контекстида муаллифнинг поэтик мушоҳадаларини мустаҳкам асосларга таянганини ифодалаш вазифасини бажарган.

Бадий адабиётнинг асосий хусусияти воқеликни образли тарзда поэтик ифода этилиши билан характерланади. Сидқ нақадар катта ҳодиса бўлса-да, бадий матн аспектида қаралганда ўз ҳолича акс эттирилиши у қадар аҳамиятли саналмайди. Бу ўринда энг муҳим масала – сидқ асосига қурилган ҳаётий-тарихий воқеликни муаллиф қай даражада поэтик талқин қила олганидир. Агар матн фақат сидққа асосланган ҳақиқатнинг ўзинигина етказса, унга етук бадий асар сифатида қаралиши муносиб бўлмайди. У фақат илмий характер касб этиши мумкин. «Ҳайратул аброр» эса, юқорида келтирилган мукамал сидқ ифодаси билан ҳам соф бадий асар ҳисобланади. Асарда муаллифнинг асосий потенциали соф тарихий-ҳаётий воқеликни поэтик кўламга олиб ўтиши, уни бадий матнда етук санъаткорона маҳорат билан ифода эта олишида кўринади.

القزويني الخطيب جلال الدين عبد الرحمن بن محمد. تلخيص المفتاح. بيروت. العصرية المكتبة. ٢٠١٤م. ص. ٤٨. ²¹

Бадиий асарда реал тарихий воқеликни акс эттиришдан мақсад фақатгина маълумот бериш билан чекланиб қолмайди. Бунда реал воқелик бадиий кўламга ўтар экан, мажозий характер касб этади. Реал тарихий воқеликнинг универсаллик функцияси учун поэтик ижодда мана шу тамойил энг муҳим омил ҳисобланади. «Ҳайратул аброр»да қаламга олинган реал тарихий воқеликларнинг бир қанчасини айна шу тарзда ўрганиш асарнинг универсал моҳиятини англашда асосий очқич вазифасини ўтайди.

Учинчи бобнинг «**Асар умумсюжети ва ҳикоятлар тизимида балоғат илми қоидаларининг акс этиши**» деб номланган илк фаслида барқарор ва бирбутун тизимни икки зид жиҳатларнинг уйғунлашуви – мутобиқлик ташкил қилиши образ, характер ва портрет балоғатини таъминловчи асосий омил эканига эътибор қаратилган.

Достон умумсюжетини аброр-одамининг узоқ ва таҳликали йўли ташкил этган. Мақолотлар орасида келтирилган ҳикоятларда эса, реал воқеликдаги бир нечта тарихий шахслар ҳаётида юз берган воқеалар амалий мисол тариқасида қаламга олинган. Бу умумсюжет линиясини боғлаб турувчи асосий омил аброр-одам йўли ва шу йўлда учрайдиган чексиз ҳайрат мотивидир.

Достондаги ҳикоятлар ҳам худди шундай бирбутун ва узвий аҳамият касб этади. Ҳикоятларнинг барчасида камида икки персонаж – мутакаллим ва мухотоб муносабати етакчилик қилади. Улар орасидаги дискурс муқтазои зоҳир ва муқтазои ҳол маромида тадрижий такомиллашиб боради. Ҳикоятларнинг барчасида воқеалар ўқувчи китобхон учун кескин бурилиш нуқтасига эга. Ана шу нуқта зоҳиран оддий ва одатий бўлган воқеа ривожини батамом кутилмаган яқунга олиб боради. Яқунда эса, аброр-одам «сафар»и учун ғоят эътиборли жиҳат – ҳайрат юз беради.

Биринчи мақолотга илова қилинган ҳикоятда шайх Боязид Бистомийнинг қайғули ҳолати, шогирдининг ундан савол сўраши муқтазои зоҳирга кўра, одатий дискурс ҳисобланса-да, шайхнинг жавобидан сўнг чинакам ҳайрат мотивига катта ўрин берилади. Ушбу ҳайрат шогирднинг иккинчи саволидан кейин энг кульминацион нуқтага кўтарилади. Шайх «қайғулук» боисини ийжоз усулида ифода этадики, мухотоб учун энг тўлиқ ва асосли жавоб юзага келади. Муаллиф шогирднинг саволи муносабати билан муқтазои зоҳирга кўра, шайхнинг юксак мақоми ҳақида хабар беради. Мавжуд воқеликка шогирднинг нуқтаи назари билан қаралса, шайхнинг мақоми «фалак авжида». Арш ҳам унинг учун қадам етадиган жойдадир.

К-эй фалак авжида хироминг сенинг,
Арш фазоси уза гоминг сенинг.
Кўнглунгга не ишдин экин бу тааб,
Бу таабингга не иш эркин сабаб?²²

Ҳикоятда шайхнинг жавобида келтирилган жаҳонда элнинг кўплиги, лекин унинг кишидан холилиги ҳам ўзига хос мутобиқлик ҳосил қилади. Дискурс асносида ўртага қўйилган ҳар бир савол ғоят балоғатли, муқтазои

عليشير نوايي. خمسة. حيرت الابرار. علمى تنقيدى متن. تاشكينت. فن. ۱۹۷۰. ب. ۲۶. 22

зоҳирга кўра, жуда ўринли аҳамиятга эга. Аммо жавоб муқтазои зоҳирни ўзида тўла мужассам этиши билан бирга ҳар бир ишнинг асл ҳақиқати бўлган муқтазои ҳолни ҳам тўла қамраб олиши зарур. Зоҳиран, муриднинг мулоҳазаси ўринли. Аммо шайхнинг жавоби бошқа фикрга ҳожат қолдирмайдиган даражада балоғатлидир.

«Мен, доғи юз минг мени саргаштадек,
Ашки боғир қониға оғуштадек,
Бўлмаса иймон била кетмак иши,
Англаки, они деса бўлмас киши»²³.

Шайх қайғусига сабаб бўлган бу жавоб ҳикоятдаги мурид учун ҳам, улуғ «сафар»га чиққан аброр учун ҳам, дostonнинг ўқувчиси учун ҳам энг муносиб ечим тарзида тақдим этилади. Матн балоғатини таъмин этувчи мутобиқлик занжири воқеада, қахрамонлар орасида, шунингдек, муаллиф ва китобхон ўртасида узвий ва барқарор муносабатни эгаллаб туради.

Дostonдаги ҳикоятларнинг ҳар бири балоғат илмидаги ушбу назарий асосга қурилганини кузатиш мумкин. Ўн тўрт йиллик яёв сафардан сўнг ҳарамга етган Иброҳим ҳузурида Каъбанинг топилмаслиги; оддий бир кампир даъво билан подшоҳни маҳкамага тортириши ва мағлуб қилиши; ўтинчи чолнинг ҳиммат ва марҳамат бобида донгдор Ҳотамдан устун келиши; Нўширавоннинг ҳаё боғида наргисдан ийманиши; Айюби халафнинг нохалаф ўғрини тузлик йўлига солиши; Зайнул-обидиннинг сағирайи маъсумадан танбеҳ олиши; Хожа Муҳаммад Порсо ва ўғли Хожа Абу Насрнинг дуо ижобати борасида тутган йўллари воқеасида мутобиқликнинг улкан ҳайрат акс эттиришдаги хоссаси янада яққолроқ намоён бўлганини кузатиш мумкин.

«Ҳайратул аброр» ҳикоятларида **поэтик образ ҳамда унинг ички ва ташқи қиёфасини гавдалантириш** дostonнинг салмоқли бир қисмини ташкил этади. Бу масалада муаллифнинг тугал позицияси учун балоғат илмига оид қоидалар мустаҳкам назарий асос вазифасини ўтайди. Асардаги образлар муайян типологик хусусиятларига кўра тасниф этилганда уларнинг ички ва ташқи қиёфаси муаллиф умумконцепциясида етакчи мавқени эгаллагани намоён бўлади.

Дostonдаги образларни шартли равишда деталь-образлар, персонажлар ҳамда тамсилий образлар тарзида таснифлаш мумкин. Асардаги образлар муайян реалликка эга бўлиб, мажоз йўли билан ҳақиқатга туташади. Дostonда муҳим аҳамият касб этувчи ҳамда муаллифнинг марказий концепциясини очишга хизмат қилувчи айрим образлар таҳлилини алоҳида кўриб чиқиш эҳтиёжи мавжуд.

Дostonдаги персонажларни реал тарихий шахслар ҳамда типик образлар тарзида ўрганиш мумкин. Бу қаторнинг бошида турувчи бадий образ шубҳасиз Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам образидир. У матнда «ўзини таниш» мақсадида буюк «сафар»га чиққан аброр учун асосий намуна вазифасини ўтайди. Асарнинг юксак балоғати аброрга

عليشير نوايي. خمسة. حيرت الابرار. علمى تنقيدى متن. تاشکينت. فن. ۱۹۷۰. ب. ۲۶. 23

ана шу мақомни «усватун ҳасана» тарзида тақдим этади. Бу эса, асарнинг мутлақ балоғатини таъмин этувчи – мисол-андоза-намунанинг энг баланд нуқтасидир.

